# Ш А Р Т Н О М А

(*Лойиҳа-смета ишларини бажариш ҳақида*)

**9-2022-сонли**

2022 йил "27"Март Самарканд шахри

Бир томондан, "Самаркандсувкурилишинвест" давлат муассасаси номидан унинг Низоми асосида харакат қилувчи директори **В.Рахимов** (қуйида "Буюртмачи" деб юритилади);

Иккинчи тамондан **"Сувлойиҳа"ДУК Самарқанд вилоят филиали** (кеинги уринда "Бажарувчи" деб юритилади) Директор З.Х.Джурабеков ушбуни қйидаги мазмунда туздилар

## I.ШАРТНОМА НАРСАСИ (ПРЕДМЕТИ), ҚИЙМАТИ ВА МУДДАТИ

1.1 **Ургут тумани "Урамас"МФЙ ҳудудидан ўтувчи "Дарғом" каналининг ПК 154+00 дан ПК 162+00 гача бўлган дамбаси қирғоқларини химоя қилиш.**объекти учун лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини ўз зиммасига олади:

1.2. Бажариладиган иш қиймати:**18 500 000** (Ўн саккиз милион беш юз минг) сўмни ҚҚС биланташкил этади.

шундан **2022 йилда** 30% бўнак маблағи **5 550 000 (Беш миллион беш юз эллик минг)сўм** **2022 йил** 10% **1 850 000 (Бир миллион саккиз юз эллик минг) сўмни** қурилиш даврида муаллиф назорати, Қолган **11 100 000 (Ўн бир миллион юз минг) сўм** лойиҳа ишларини тугатган, давлат экспертиза бошқармасидан хулоса олингандан кейин, қўшимча келишув, далолатнома, ҳисоб фактура ва ҳисоботларга асосан тўлик хисоб-китобни бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

1.3.Бажарилиш муддати: Шартнома руйхатдан ўтган кундан 2022 йил 31 декабргача.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. **Бажарувчи:** Буюртмачи томонидан берилган техник топшириғи ва бошқа бирламчи маълумотлари асосида ишларни ўз вақтида ва сифатли бажаради;

- Лойиха-смета хужжатларини топширикда кўрсатилган талаблар ва лойиҳа норматив хужжатлари асосида тайёрлайди;

-Бажарилган ишларни буюртмачи билан келишиб, этапма-этап олиб боради;

-Шартномада белгиланган муддатда буюртмачига сифатли ва амалда бажарилган ишлар хужжатларини тақдим этади.

-Шартнома асосида бажарилиши лозим ишларни буюртмачининг розилигисиз3-шахсларга топширмайди. Буюртмачига ишларнинг сифати бўйича назорат қилиб боришига қаршилик қилмайди.

**2.2. Буюртмачининг хуқуқ ва мажбуриятлари:**

-Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар хужжатларини миқдор ва сифат жихатидан текшириб, тўлик холда қабул килиб олади.

-Шартноманинг 1.2, 3.1-бандлари талаблари бўйича тўловларни ўз вақтида бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

-Шартномада кўрсатилган ишларни бажаришда, бажарувчига объектни жойлашуви, бирламчи маълумотларни ва қурилиш ишлари ўтказилганидан кейин кутилаётган натижалар ҳақида маълумот беради.

- **Хукуки:** Бажарувчи томонидан бажарилаётган лойиҳалаштириш ишларини сифати буйича назорат олиб боради.

## III. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ:

3.1. Буюртмачи Бажарувчига лойиҳалаштириш ишларини бажариш учун аванс тариқасида 30% миқдорида **5 550 000 (Беш миллион беш юз эллик минг) сўм**ни Вилоят ғазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтгандан кейин тўлаб беради. Шартномавий қийматнинг қолган қисмини Бажарувчи лойиҳа ишларини тугатган, давлат экспертиза бошқармасидан хулоса олингандан кейин, қўшимча келишув, далолатнома, ҳисоб фактура ва ҳисоботларга асосан тўлик хисоб-китобни бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

## IV. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари 3 нусхада тўлиқ ёки этапларга бўлиб, юк ҳати билан Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи лойиҳа-смета хужжатларини қабул килиб олгандан сўнг 10 кун ичида кўриб чиқиши ва Бажарувчига акт-хисоб-фактура тақдим қилиши ёки бажарилган ишни қабул килмаслик ҳақида асосли хужжатни юборади.

4.3. Лойиҳа-смета хужжатлари муддатдан олдин бажарилган холларда хам, буюртмачи қабул килиб, тўловни амалга оширади.

4.4. Шартнома нарсаси тўлиқ бажарилмаганлиги аниқланган холларда Буюртмачи томонидан асосли равишда Бажарувчига қайтарилади. Бунда иккала томон иштирокида далолатнома тузилиб, тўлик бажарилиш чора ва муддатлари белгилаб олинади.

**V. Томонларнинг мулкий жавобгарликлари:**

5.1. Бажарувчи шартномавий мажбуриятларини бажаришни кечиктирган холларда бир марталик 25 фоизли жаримага тортилиб, кечиктирилган хар бир кун учун бажарилмаган иш қийматининг 0,4 фоиз миқдорида ва шу қийматнинг 50 фоизидан ошмаган даражада пеня ҳисоблаб борилади.

5.2. Буюртмачи тўловни кечиктирганда хар бир кун учун 0,4 фоиз миқдорида ва кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаган микдорда пеня ҳисобланиб борилади.

5.3.Шартнома ўзаро келишув билан бекор қилинган ва бошка холатларда, ўзаро етказилган моддий зарарлар айбдор томондан қопланади.

**VI. Бошка шартлар:**

6.1. Ушбу шартнома иккала томоннинг ўзаро келишуви билан бекор қилиниши мумкин.

6.2. Низоли масалалар ўзаро келишув йули билан ҳал этилмаган такдирда, Иктисодиёт суди оркали амалдаги қонунчиликлар асосида ҳал этилади.

6.3.Томонларга боғлик бўлмаган (форс-мажор) холатлар Ўз.Р. 349-350 моддалари билан тартибга солиниб, томонлар ўз мажбуриятларини бажара олмай қолганда, бир-бирларини ўз вақтида огохлантирган холларда жавобгарликдан озод этилади. Шартномада кузда тутилмай қолган ҳолатлар амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилади

6.4. Барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равишда тузиладиган қўшимча келишув баёни билан расмийлиштирилиб, ушбу шартномага илова қилинган хужжатлар қаторида ажралмас қисми ҳисобланади.

6.5. Шартнома 2 нусхада ЎзР. Фукаролик кодекси ва Ўз.Р. "Хўжалик субъектлари шартномавий-хукукий базасини янада мустаҳкамлаш тўғрисида"ги 1998 йил 29 август қонунини талаблари асосида тузилиб, Вилоят ғазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади. Бу муддатнинг ўтиши амалга ошмай қолган хисоб-китобларни тўлик бажарилишига тусқинлик қилмайди.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| **БУЮРТМАЧИ:** **"Самарқанд сув қурилиш инвест" ДМ** | **Бажарувчи** |
|---|---|
| Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар | **Номи:** "Сувлойиҳа" ДУК Самарқанд вилоят филиали |
| М.Улуғбек кўчаси, 62 уй | **Манзил:** Самарқанд шаҳар М.Улуғбек 62 уй |
| **ш/х/ р:**10001086018401749801170110 | **Банк номи:** АКБ "Турон" |
| Марказий банк Тошкент шахар | Самарқанд филиали |
| МФО: 00014 ИНН: 201842014 | **Х/р:**2021 0000 5053 3101 6001 |
| ОКЭД: 70220 | **МФО:** 00282 |
| Молия Вазирлиги Ғазначилиги | **СТР:** 207 332 028 |
| Ғазна х/в: 23402000300100001010 | **ОКЭД:** 71120 |
| ИНН: 201122919 МФО: 00014 | **Телефон:** (66) 233-11-56 |
| ОКОНХ: 97160 | |
| Директор: ____________ В.Рахимов | **Директор** З.Х.Джурабеков |
| Юрист: М.Ахмедов | |
| Диплом:№259425. 28.06.1979й | |

№ 9-2022 шартномагаилова
«27»Март 2022 йил

# ИШ ГРАФИГИ

## ШАРТНОМАГА АСОСАН ИШЛАРНИ БОШЛАНИШ ВА ТУГАЛЛАНИШ САНАСИ

| | | |
|---|---|---|
| 1 | **Ургут тумани “Урамас”МФЙ ҳудудидан ўтувчи “Дарғом” каналининг ПК 154+00 дан ПК 162+00 гача бўлган дамбаси қирғоқларини химоя қилиш.**объекти учун лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш | 19 мартдан 2022 йилдан 20 апрелгача 2022 йилгача |

**Буюртмачи:** **В.Рахимов**

**Бажарувчи:** **З.Х.Джурабеков**

**№ 9-2022 шартномага илова**
**«27» Март 2022 йил**

**Ургут тумани "Урамас"МФЙ ҳудудидан ўтувчи "Дарғом" каналининг ПК 154+00 дан ПК 162+00 гача бўлган дамбаси қирғоқларини химоя қилиш.** объекти учун лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш

**ХИСОБ –КИТОБИ.**

Буюртачи ташкилот номи: "Самарқандсувқурилиш инвест" ДМ
Бажарувчи лойиха номи: "Сувлойиҳа"ДУК Самарқанд вилоят филиали

| № п/н | Бажариладиган ишлар номи | Қиймати (сум) |
|---|---|---|
| 1 | Лойиха ишлари | 8 686 956 |
| 2 | Геодезик қидирув ишлари | 5 550 000 |
| 3 | Муаллифлик назорати 10% | 1 850 000 |
| 4 | Лойиха смета хужжатлари нархи | 16 086 956 |
| 5 | ҚҚС 15% | 2 413 043 |
| 6 | Лойиха смета хужжатлари ҚҚС билан | **18 500 000** |

Жами ЛСХ нархи ҚҚС билан 18 500 000 сўм; шундан ҚҚС 2 413 043сўм

**Лойиха ишлари**

| № | Харажаттурлари | Лойиҳава дала кидурув ишлариучуннархлар белгилаш. | Жами сумма |
|---|---|---|---|
| 1 | **Ургут тумани "Урамас"МФЙ ҳудудидан ўтувчи "Дарғом" каналининг ПК 154+00 дан ПК 162+00 гача бўлган дамбаси қирғоқларини химоя қилиш.**объекти учун лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш<br>Курилишни бошлангич нархи-386,200 000 x 1,15=<br>335,826 086 сум ҚҚС сиз | Положения о порядке определения стоимости проектно-изыскательских работ, утверждённое приказом №396 Министерства Строительства Р. Уз от 19.08.2019 г<br>Приложение №3 п.6,<br>К1 = 1,15<br>К2 =5%<br>К4 =1,15 | 335826086 x 0,05508803744=18500 000 |
| | ЖАМИ: | | 18 500 000 |

Директор З.Х.Джурабеков

# ШАРТНОМА НАРХИНИ КЕЛИШИШ
# БАЁНИ

№ 9 - 2022сонлишартнома
«27» Март 2022 йил

**Ишларноми:**

**Ургут тумани “Урамас”МФЙ ҳудудидан ўтувчи “Дарғом” каналининг ПК 154+00 дан ПК 162+00 гача бўлган дамбаси қирғоқларини химоя қилиш.**объекти учун лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш

Биз, куйида имзо чекувчилар,"Буюртмачи" номидан. В.Рахимов ва "Бажарувчи" номидан “Сувлойиҳа” ДУК Самарқанд вилоят филиали директори З.Х.Джурабеков 2022 йил 18 мартдаги лот №50701 сонли танлов Баённомасига асосан ишлаб чиқиладиган лойиха смета хужжатлари шартнома нархи **18 500 000** (Ўн саккиз милион беш юз минг) сўм билан келишилди.

Мазкур Баённома "Буюртмачи" ва "Бажарувчи" ўртасида бўладиган хисоб-китоб ва тўловларга асос бўлади.

Буюртмачи: В.Рахимов

Бажарувчи З.Х.Джурабеков